

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮЛДОШЕВ НАБИЖОН ПИРИМОВИЧ

**ABSORB БИОСЎРИЛУВЧАН КАРКАСЛАРНИНГ ДОРИ ҚОПЛАМЛИ
ИККИНЧИ ГЕНЕРАЦИЯ СТЕНТЛАРИ БИЛАН КЛИНИК-
АНГИОГРАФИК ҚИЁСИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Юлдошев Набижон Пиримович

Absorb биосўрилувчан каркасларнинг дори қопламли иккинчи
генерация стентлари билан клиник-ангиографик қиёсий
самарадорлиги 3

Юлдошев Набижон Пиримович

Клинико-ангиографическая сравнительная эффективность
биоразтворимых каркасов Absorb со стентами с лекарственным
покрытием второй генерации 33

Yuldoshev Nabijon Pirimovich

Clinic and angiographic comparative efficiency of the bioresorbable
vascular scaffolds Absorb with drug-eluting stents of the second
generation 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 68

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ DSc.26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮЛДОШЕВ НАБИЖОН ПИРИМОВИЧ

**ABSORB БИОСЎРИЛУВЧАН КАРКАСЛАРНИНГ ДОРИ ҚОПЛАМЛИ
ИККИНЧИ ГЕНЕРАЦИЯ СТЕНТЛАРИ БИЛАН КЛИНИК-
АНГИОГРАФИК ҚИЁСИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**Тиббиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Тиббиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2018.1.DSc/Tib294 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (хулоса)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Курбанов Равшанбек Давлетович, тиббиёт фанлари доктори, академик
	Роберт Гил Джулиан тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бабунашвили Автандил Михайлович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
	Камилова Умида Кабировна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Кенжаев Мажид Латипович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«Россия Академияси Томск миллий тадқиқот тиббиёт маркази» «Кардиология илмий текшириш институти» федерал давлат бюджет илмий муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018..Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри,, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-38-16, e-mail: scardio@cardiology_uzb, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-38-16.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.А.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А.Хамидуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК)ни даволаш ва профилактика бўйича охирги йиллардаги эришилган ютуқларига қарамасдан, у мамлакатлар аҳолиси касалланиш ва ўлим структурасида етакчи ўринни эгаллаши билан тавсифланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «ҳар йили юрак қон томир касалликларидан (ЮҚТК) 17,7 млн., шунингдек юрак ишемик касаллигидан 7 млн.дан ортиқ киши ва касаллик намоён бўлган вақтдан бошлаб 3 йил ичида ўртача 10-12% беморлар ҳаётдан кўз юмади». ЮИК билан касалланишнинг энг муҳим жиҳати бу унинг инсон ҳаётининг энг фаол даврида, яъни 35-60 ёшларда учраши ва госпитализация учун кўпроқ сабаб бўлиши, ҳаёт сифати (ҲС)нинг ёмонлашуви ва ҳаётга лаёқатлилигининг чекланиши, ўлим даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Охирги тавсияномалар (2014, 2017) ва статистик маълумотларга кўра «ўлимга олиб келувчи ҳолатларнинг 54%и юрак қон-томир касалликларидандир¹». Касалхонадан ташқари учраган тўсатдан ўлим ҳолатининг 75%ини тож томирлар касалликлари ташкил этади.

Жаҳонда ЮИК бор беморларни ташхислаш, эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. ЮИК билан касалланган беморларни эндоваскуляр усуллар билан даволашни мақбуллаштириш, ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида даволаш усуллари мукамаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Охирги вақтларда олим ва клиницистларнинг диққати қон томирларда реканализация функциясини таъминловчи, томир ўзанини эластиклик хусусиятини тикловчи мосламалардан фойдаланиладиган кичик инвазив хирургия усулларига қаратилмоқда ва ЮИК билан касалланган беморларни даволашда ҳар хил турдаги стентлардан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганиш, ёндашувни оптималлаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичларини

¹ ESC/EACTS Guidelines on Myocardial Revascularisation. European Heart Journal (2014) 35, 2541–2619; ESC Guidelines for the Acute Myocardial Infarction in patients presenting with ST-segment elevation (Management of) 2017. European Heart Journal, 2018; 39, Is.2, 119–177.

пасайтиришни таъминлаш ва аҳоли ҳаёт давомийлигини узайтириш»² каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кардиология соҳасини изчил ривожлантириш юрак-қон томир касалликларини олдини олиш, ҳавф омилларини эрта аниқлаш ва касалликни даволашда юқори технологияли эндоваскуляр усулларни самарадорликни ошириш, шу жумладан ЮИКни эрта ташхислаш, касаллик клиник кечишини прогнозлаш, эндоваскуляр даволаш чораларини оптималлаштириш ва бунинг натижасида касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика V «Тиббиёт ва фармакология» - фан ва технологияларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. ЮИК билан касалланган беморларда даволашнинг эндоваскуляр усулларни қўллаш самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув муассасаларида, жумладан: Kings College (Англия), Center for Cardiovascular Research Charité (Германия), Centro Cardiologico MONZINO (Италия), Institut Cardiovasculaire Paris Sud, La Clinique Saint-Hilaire (Франция), California Hospital Medical Center, Columbia University Medical Center, New York-Presbyterian Hospital (США), Kyoto University Hospital, Teikyo University Hospital (Япония), Geneva University Hospitals (Швейцария), Department of Hemodynamics, Institute of Cardiology, Jagiellonian University Medical College (Польша), В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббиёт текшириш маркази, Россия кардиологик илмий-ишлаб чиқариш комплекси, академик Е.Н.Мешалкин номидаги миллий тиббий текшириш маркази, Россия Академияси Томск миллий тадқиқот тиббиёт маркази Кардиология илмий текшириш институти (Россия Федерацияси) олиб борилди.

ЮИКни даволашнинг эндоваскуляр усулларини қўллашнинг самарадорлиги юзасидан илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор,

² 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

³ Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари мунозараси: www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed, www.who.int, www.nhlbi.nih.gov, www.heart.org, www.acc.org, www.medscape.com, www.idf.org, www.instituteofdiabetes.com.au, www.scardio.ru, www.almazovcentre.ru, www.medgenetics.ru, abbottvascular.com

жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: клиник-ангиографик кўрсаткичлар бўйича касаллик кечиши, прогнози ва беморлар ҳаёт сифати яхшиланиши исботланган (Center for Cardiovascular Research Charité, California Hospital Medical Center, New York-Presbyterian Hospital, Jagiellonian University Medical College, В.А.Алмазов номидаги миллий тиббиёт текшириш маркази, Россия кардиологик илмий-ишлаб чиқариш комплекси, Россия Академияси Томск миллий тадқиқот тиббиёт маркази Кардиология илмий текшириш институти); прогноз ва олис натижалар баҳоланганда юрак ремоделланиш кўрсаткичларининг ва юрак қон томир асоратларнинг камайиши, касаллик клиник кечиши яхшиланиши асосланган (La Clinique Saint-Hilaire, Kyoto University Hospital, Columbia University Medical Center, академик Е.Н.Мешалкин номидаги миллий тиббий текшириш маркази); касаллик клиник турлари, функционал-ангиографик мезонларни ҳисобга олган ҳолда беморларни олиб бориш ва даволаш стандартларини қўллаш тактикаси такомиллаштирилган (Centro Cardiologico MONZINO, Geneva University Hospitals, Россия кардиологик илмий-ишлаб чиқариш комплекси).

Ҳозирги вақтда дунёда ЮИКни эрта ташхислашни мақбуллаштириш, прогностик омилларни аниқлаш ва даволаш самардорлигини ошириш бўйича бир қатор, устувор йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан: касаллик диагностикасида эндоваскуляр усулларнинг прогностик аҳамиятини эрта аниқлаш, даволашда ҳар хил кўринишдаги стентларни қўллаш бўйича даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш, интервенцион аралашувдан кейин касалликнинг кечиши ва асоратларини прогнозлаш, яқин ва узоқ муддатдаги самардорликни ошириш ва бунинг натижасида касаллик клиник кечишини ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, тромбоз ва рестеноз ривожланишининг патогенетик механизмларида иштирок этувчи омилларни аниқлаш орқали асоратларни камайтириш, касаллик клиник кечиши ва прогнозини яхшилашни такомиллаштириш устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЮИКда патогенетик механизмларни ўрганиш ва даволаш чора-тадбирларни оптималлаштиришга кўплаб олимларнинг илмий ишлари бағишланган (Colombo A. 2013; Бузиашвили Ю.И. ва ҳаммуал., 2016; Шляхто Е.И. 2017). Ангиографик текширишда тож томирларда атеросклеротик жараённинг тарқалиш хажми ва томир диаметри торайиш даражаси ноҳуш прогнознинг мустақил белгилари сифатида кўрилади (Chevalier B., 2014; Акчурин Р.С., 2014; Ferenc M et al., 2015).

Миокарднинг реваскуляризация жараёнлари механизмлари ўрганилган ва даволашда реваскуляризация усулларини танлаш тамойиллари ишлаб чиқилган. ЮИКда даволаш стратегияси клиник-ангиографик кўрсаткичларни баҳолаган ҳолда даволашга ёндошувни танлаш ва миокард ревакуляризацияси самардорлиги асосланган (Dudek D., 2014; Алекян Б.Г., 2017; Бабунашвили А.М., 2017; Gil J.R., 2018). ЮИКни даволашда миокард

реваскуляризациясида турли кўринишдаги стентларни қўллаш самарадорлиги қиёсий баҳоланган. Миокард реваскуляризациясининг қисқа муддатли ва олис натижаларини ҳисобга олган ҳолда, кардиоваскуляр асоратларни эрта прогнозлаш ва уларни олдини олиш муҳимлиги аниқланган (Осиев А.Г., 2013; Bil J. et al., 2016; Grundeken M., 2017).

Охирги йилларда эришилган ютуқларга қарамай, ЮИКни даволаш бўйича долзарб муаммолар мавжуд. Касалликни медикаментоз даволаш, ангиопластика ва аортокоронар шунтлаш усуллари самарадорлиги бўйича қарама-қаршилиқлар бор. Томир деворида стентнинг доимий равишда туриши томир тармоқланиш даражасида ён тармоқлар ўзанини тўсилишига, томир деворининг вазомотор функцияси ёмонлашувига, стентда тромблар пайдо бўлишига олиб келиши ва истикболли хирургик реваскуляризация ўтказилишига монелик қилиши мумкинлиги кўрсатилган, ҳамда бу муаммонинг ечимида тўлиқ ўз-ўзидан сўрилувчи стентларнинг роли аниқланган (Mattesini A., 2014; J. Kereiakes et al. 2015; Onuma Y., 2016; K Revath et al., 2017) Биосўрилувчан Absorb (BVS) каркаслари самарадорлиги бўйича бир қатор тадқиқотлар натижалари мутлақо бошқача натижаларга эга: ушбу ускуна қўлланилишининг узок босқичларида хавфсизлик масалаларига эътиборни қаратиш кераклиги кўрсатилган (Chevalier B., 2014; Serruys P.W., 2016).

ЮИКни диагностикаси ва даволашда эндоваскуляр усулларни қўллашга бағишланган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилганда, кардиоваскуляр асоратларни эрта аниқлаш ва олис натижаларни баҳолашда турли хил стентларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади.

Ўзбекистонда ЮИКда эндоваскуляр усулларни қўллаш бўйича М.М.Зуфаров, Б.А.Аляви, Д.А.Алимов ва б. илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Аввал ЮИКда ва унинг 2-тур қандли диабет билан бирга кечишида беморлар жинси, касалликнинг клиник шакли, зарарланган томирлар сонига боғлиқ равишда стентлар ўрнатишнинг клиник-функционал ва олис самарадорлиги аниқланган. Бироқ ЮИКда Absorb (BVS) биосўрилувчан каркасларни қўллаш билан миокард реваскуляризацияси амалга ошириш бизнинг республикада ўрганилмаган. ЮИКда биосўрилувчан каркас ва дори қопламали стентларни қўллашнинг клиник-ангиографик самарасининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш, уларни татбиқ этишнинг қисқа муддатли ва олис кузатув натижаларини ўрганиш касаллик клиник нохуш кечишини прогнозлаш, касаллик клиник кечишини яхшилаш ва даволашнинг самарали тактикасини аниқлашга имкон беради.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, республика шароитида ЮИКни, айниқса унинг ўткир турларида миокард реваскуляризациясида Absorb (BVS) биосўрилувчан каркасларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш замонавий кардиологиянинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг АДСС15.13.5 «ЮИК оғир формалари бор беморларда кўп томирли ва/ёки коронар артерия стволени стентлаш усуларини ишлаб чиқиш ва уни агрессив медикаментоз терапия билан қиёслаш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ЮИКнинг турли шакллари билан касалланган беморларда биосўрилувчан Absorb (BVS) каркас ва иккинчи генерация дори қопламали (DES) стентларни клиник-ангиографик самарадорлигини қиёсий баҳолаш ва даволашга ёндашувни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮИКнинг турли шакллари билан касалланган беморларда биосўрилувчан Absorb (BVS) каркас ёки иккинчи генерация дори қопламали (DES) стентлар имплантацияси йўли билан реваскуляризация усулини танлаш учун коронар томирлар рентген-морфологик тавсифини аниқлаш;

BVS ва DES ўрнатилган ЮИКнинг турли шакллари билан касалланган беморларда даволашнинг госпитал босқичи ва кузатувнинг олис даврларида миокард реваскуляризациясининг ангиографик самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

BVS ва DES ўрнатилган ЮИКнинг турли шакллари билан касалланган беморларда даволашнинг госпитал босқичи ва кузатувнинг олис даврларида миокард реваскуляризациясининг клиник-функционал самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш;

BVS и DES ўрнатилган беморларда яллиғланиш маркерлари ва тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари динамикасини эрта ва олис кузатув даврларида аниқлаш;

BVS и DES ўрнатилган беморларда эрта ва олис кузатув даврларида даволаш тартибига изчил риоя этиш ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

кардиоваскуляр асоратларни эрта, ўрта-олис ва олис кузатув даврида аниқлаш орқали биосўрилувчан “Absorb” каркасни қўлланишидаги миокард реваскуляризацияси нохуш предикторларни аниқлаш;

ЮИК билан хасталанган беморларда клиник-ангиографик кўрсаткичлар ва прогностик мезонларни ҳисобга олган ҳолда эндоваскуляр даволашга ёндашувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанаётган юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан хасталанган 200 нафар бемор танланган.

Тадқиқотнинг предмети биокимёвий текширишлар ўтказиш учун веноз қон ва қон зардобиди.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунофермент, инструментал, статистик услублар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЮИКнинг турли шаклларида биосўрилувчи замонавий Absorb каркаслари ва иккинчи генерация дори қопламли (DES) стентларининг касаллик клиник кечиши, юрак ремоделланиши жараёнларига, ўрта олис ва олис натижалари кўрсаткичларига қиёсий самарадорлиги асосланган;

ЮИКда чап қоринча паст отиш фракциясини касаллик клиник тури, ўтказилган миокард инфаркти сони, ангиографик кўрсаткичлар – тож томирларда атеросклеротик жараённинг тарқалиш хажми ва томир диаметри торайиш даражаси, зарарланган томирлар сони, ҳамда яллиғланиш омили С реактив оқсил билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

ЮИКда қоринчалар экстрасистолиясининг юқори градацияларини касалликнинг клиник турлари (миокард инфаркти, ностабил стенокардия), ҳамда нохуш ангиографик предикторлар – зарарланган томирлар сони, тож диаметри торайиш даражасига боғлиқ эканлиги аниқланган;

ЮИК билан хасталанган беморларда муваффақиятли миокард реваскуляризацияси ўтказилганда даволаш тартибига изчил риоя этиш кўрсаткичи ва ҳаёт сифати кўрсаткичи яхшиланиши, айниқса касалликнинг ўткир шакллари (миокард инфаркти, ностабил стенокардия)да аниқланган;

ЮИКнинг турли шакллари даволашда беморларда клиник-функционал ва ангиографик прогностик мезонларни ҳисобга олган ҳолда эндоваскуляр усулни танлашга қиёсий ёндашув такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮИК билан касалланган беморларда миокард реваскуляризацияси самарадорлигини оширувчи клиник-функционал ва ангиографик мезонлар ишлаб чиқилган;

касалликнинг клиник шакллари ва кечиши, чап қоринча қисқарувчанлик қобилиятини, қондаги яллиғланиш омилларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашув асосида эндоваскуляр усулларни қўллаш механизми такомиллаштирилган;

ЮИК бор беморларда касаллик клиник кечиши ва юрак функционал ҳолатини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда биосўрилувчан Absorb каркасини ўрнатиш ва асоратларини олдини олиш чора-тадбирлари такомиллаштирилган;

ЮИК билан касалланган беморларда биосўрилувчан Absorb каркаси ўрнатишни тавсия қилиш учун эрта ва олис даврларда нохуш асоратларни прогноزلанишни баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда

махаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ЮИК билан хасталанган беморларда клиник-функционал, юрак ремоделланиши жараёнлари ва нохуш ангиографик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлик механизмларини ўрганишга катта ҳисса қўшади, шунингдек ЮИК бор беморларда эндоваскуляр ёндашув учун прогнознинг клиник-ангиографик предикторларини аниқлаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш миокард ревакуляризацияси тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш имконини бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ЮИК бор беморларда касалликнинг клиник шакли, кечиши, функционал ва ангиографик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда миокард ревакуляризациясини оптималлаштириш услуби ишлаб чиқилган. ЮИКнинг турли шакллари даволашда беморларда клиник-функционал ва ангиографик прогностик мезонларни ҳисобга олган ҳолда эндоваскуляр усулни танлаш беморларда касаллик кечишини яхшилаш, яқин ва олис прогнозни яхшилаш, асоратлар ривожланиши олдини олиш, даволаш муддатларини қисқартириш, госпитализациялар сонини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЮИК билан хасталанган беморларда миокард ревакуляризациясини амалга оширишга янгича ёндашувлар ва дифференциал даволаш тактикаси тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Юрак ишемик касаллигини даволашда биосўрилувчан Absorb томир каркасини қўллаш» номли услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 8н-д/93-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЮИК бор беморларда касаллик клиник кечиши ва юрак функционал ҳолатини баҳолаш ҳисобга олган ҳолда биосўрилувчан Absorb каркасини томир ичига ўрнатиш ва асоратларини олдини олиш чоратadbирларини такомиллаштириш имконини беради;

«Тож артерияларини ангиопластикасини стентлашдан кейин рестенозни прогнозлаш усули» ихтиро учун патент олинган (№IAP 20170385). ЮИК бор беморларда стентлаш амалиётидан сўнг прогнозни баҳолашга имкон беради;

«Юрак ишемик касаллигини даволашда эндоваскуляр усулларнинг замонавий жиҳатлари» номли услубий тавсия тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 8н-д/93-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЮИК бор беморларда касаллик клиник-ангиографик мезонларни ҳисобга олган ҳолда эндоваскуляр даволаш усулларини қўллашни такомиллаштириш имконини беради;

ЮИК бор беморларда клиник-ангиографик эрта предикторларини баҳолаш ва эндоваскуляр ёндашувни оптималлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Республика кардиологик диспансери, Фарғона вилояти кардиологик диспансери амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 8н-д/104-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши ЮИК бор беморларда салбий клиник-ангиографик предикторларни эрта аниқлашга, эндоваскуляр усулларни такомиллаштиришга, касаллик кечишини, ҳаёт сифати кўрсаткичи ва прогнозни яхшиланишига, касаллик асоратларини 1,3 мартага, госпитализациялар сонини 2,1 мартага ва даволаш давомийлигини 2 мартага камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 61 та илмий иш нашр қилиниб, улардан 18 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, улардан 5 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 189 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифлаган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касаллигини даволашда эндоваскуляр усулларнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида ЮИКни даволашнинг эндоваскуляр усуллари ривожланиш босқичлари, хар хил турдаги стентлардан фойдаланиш натижалари ва ишланмалар ҳақида; ЮИКни даволашда кичик инвазив аралашувларнинг замонавий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«ЮИКни турли шаклларида диагностика, даволаш ва прогнозлаш самарасини мониторинг методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларни баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Ушбу тадқиқотга Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанаётган 200 нафар ЮИКнинг турли шакллари билан касалланган беморлар (169 – эркак ва 31 – аёл) киритилиб, клиник, функционал ва ангиографик текширувдан ўтказилган. Беморларнинг ўртача ёши $54,43 \pm 10,01$ ни ташкил этди. Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари: анамнезида илгари тери орқали аралашувдан аорто-коронар шунтлаш ёки стентлаш ўтказилганлиги; юрак қон-томир тизимининг оғир қўшилиб келган касалликлари (аорта аневризмаси; хирургик коррекцини талаб қилинадиган клапан нуқсонлари; чап қоринчанинг яққол ривожланган систолик дисфункцияси чап қоринча отилиш фракцияси (ФВчк) $< 35\%$; декомпенсирланган юрак етишмовчилиги; КФТ < 30 мл/мин/ $1,73\text{м}^2$ бўлган оғир буйрак етишмовчилиги); антикоагулянтлар/дезагрегантлар қабул қилишга толерантлик ривожланмаган беморлар; тож ўзани бифуркацион, кўп пояли зарарланиши мавжуд бўлган; кардиоген шок; ТКА ўтказишга SYNTAX шкаласи бўйича ўртача ва юқори хавф гуруҳига кирувчи беморлар.

Беморларда миокард реваскуляризацияси самарадорлигини қиёсий баҳолаш мақсадида беморлар икки гуруҳга ажратилган: биринчи гуруҳни 100 та бемор ташкил этиб, уларга ўзисўрилувчан томир каркаси ўрнатилган ва иккинчи гуруҳни ҳам 100 та бемор ташкил этиб, иккинчи генерация дори қопламали стентлар имплантацияси ўтказилган. Беморлар нозологик таркиб

бўйича таққослаш учун мос бўлган. Кузатув давомийлиги 24 ойни ташкил этган.


Барча беморларда липид алмашинув кўрсаткичлари, С-реактив оқсил, тромбоцитлар агрегацияси, электрокардиография, эхокардиография, суткалик ЭКГ мониторинг, беморларни даволашга изчил ёндашув ва ҳаёт сифатини баҳоловчи халқаро сўровномаларни ўз ичига олувчи текширувлар ўтказилган.

Беморларда рентген-морфологик тавсифни баҳолаш учун тож томирлар селектив коронарографияси (КАГ) қуйидаги ангиографик параметрларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилган: стеноз даражаси, стенотик шикастланишлар сони, А-В-С бўйича стенотик зарарланишлар таснифи, шикастланиш жойлашиши (проксимал, ўрта қисм, дистал) ва артериялар диаметри. Тож артерияларнинг қуйидаги ўзанлари ўрганилган: олдинги пасаювчи артерия (ОПА), айланиб ўтувчи артерия (АЎА), ўтмас қирра толаси (ЎҚТ), оралик артерия (ОрА), ўнг коронар артерия (ЎКА), орқа қоринчалараро тола (ОҚТ) ва чап қоринча толаси (ЧҚТ). Беморларда эндоваскуляр усулни қўллашдан олдин 200мкгр перлинганит суюқлиги интракоронар юборилиб, каркас хажмини тўғри келишини билиш учун микдорий коронар ангиография(ҚСА) қилинган.

КАГнинг бевосита натижалари ангиографик ва клиник муваффақиятларни баҳолаш воситаси орқали таҳлил қилинган. КАГнинг ўртаолис ва олис натижаларини баҳолаш учун стент тромбози, мақсадли томир ревазуляризацияси, мақсадли томир миокард инфаркти ва юрак ўлимини бирлаштирувчи МАСЕ (major adverse cardiac events – жиддий нохуш кардиал ходисалар) умумий кўрсаткичидан фойдаланилган (расм.1).

Олинган натижаларни статистик ишлови «STATISTICA 6» дастури пакетидан фойдаланган ҳолатда персонал Pentium-IV компютерида амалга оширилган. Статистик ноаниқликларни мустасно қилиш учун клиник белгиларнинг тақсимланиши меёрийлигини текширувчи таҳлил ўтказилган. Иккита ўртача арифметик гуруҳларни солиштириш учун (назорат ва экспериментал) Стюдент t – тестидан фойдаланилган. Кўрсаткич орасидаги боғлиқликлар мавжудлигини баҳолаш учун Пирсон корреляция коэффиценти кўрсаткичини ҳисобловчи корреляцион таҳлил ўтказилган. Сифат белгилар орасидаги фарқни ишончилигини таҳлили учун χ^2 мезонидан фойдаланилган. Солиштирувчи гуруҳлар маълумотларининг сони 30 дан кам бўлган ёки битта гуруҳда ҳеч бўлмаса 5 дан паст бўлган ҳолларда, натижаларни Фишернинг аниқ усулидан фойдаланиб текширилган.

ТАДҚИҚОТ ДИЗАЙНИ



ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ БОСҚИЧЛАРДА БАҲОЛАШ (3, 6, 12 и 24ой)				
МАСЕ	КЛИНИКА	ЛАБОРАТОР	ФУНКЦИОНАЛ	КОМПЛЕКТЛИК ва ҲС
TS стент тромби TVR- мақсадли томир реваскуляризацияси TV-MI – мақсадли томир миокард инфаркти CD – юракдан (кардиал) ўлим	Симптомлар динамикаси	Яллиғланиш маркерлар динамикаси, тромбоцитлар агрегацияси	- ЭКГ - ЭхоЭКГ - ХМЭКГ кўрсаткичлари динамикаси	- Ҳаёт сифати - Изчил риоя этишни шкалалар бўйича баҳолаш

1- расм. Тадқиқот дизайни

Диссертациянинг учинчи «Юрак ишемик касаллигининг турли шакллари ва ҳар хил турдаги имплантларда коронар ўзан зарарланишининг ўзига хослиги» бобида ЮИКнинг турли шакллари ва

турли хил имплантларда тож артерияси ўзанининг умумий тавсифи ва рентген-морфологик хусусиятлари ёритилган. Дастлаб беморлар икки гуруҳга бўлинган бўлиб: 90 та сурункали ЮИКли беморлар (стабил стенокардия (SA) кўпроқ III ФС кўринишида) ва 110 та ўткир ЮИКли беморлар (номукум зўрайиб борувчи стенокардия, ST-сегмент элевацияси билан ва элевациясиз ўткир миокард инфаркти кўринишида) ташкил этган.

Ангиографик текшириш натижалари иккала гуруҳда ҳам қон таъминланишининг ўнг коронар тури устунлик қилган (ўткир ЮИКда – 91,8%, сурункали ЮИКда - 82,2% беморларда ($p=0,068$; $\chi^2=3,336$)). ЮИК ўткир шаклларида, шунингдек сурункали шаклларида ҳам кўп ҳолатларда ОПА ўзани зарарланган (85,6% ва 82,7% ҳолларда), касалликнинг ўткир шакллари бўлган беморларда стеноз даражаси юқорилиги кузатилган. Атеросклеротик зарарланиш учраши бўйича иккинчи ўринда ЎКА ўзани эгаллайди (22,2% ва 30,0% мос равишда 1чи ва 2чи гуруҳ беморларида). 1чи гуруҳ беморларида ЎКА ўзанида стенотик торайиш даражаси 2чи гуруҳ беморларининг аналогик кўрсаткичига нисбатан юқорилиги билан ажралиб туради ($p>0,05$). АА, ЎҚТ, ЧҚТ ўзанларида атеросклеротик зарарланиш ЮИК шаклларида боғлиқ бўлмаган ҳолда, деярли бир хил учраши кузатилган. ЎКА ва ОРА ўзанларининг зарарланиши (унча кўп бўлмаган – 2,7% ва 5,5% ҳолатларда, мос равишда) ЮИКнинг ўткир шаклларида аниқланиб, бир вақтнинг ўзида ЮИК сурункали шаклларида эса ушбу томирларнинг зарарланиши кузатилмаган (1-жадвал).

Стенотик торайиш 75 %дан кўп ҳажми эгаллаш ҳолатлари 1 гуруҳда в ОПА ўзанида 59 (65,6%) ҳолатни, АА ўзанида – 9 (10,0%) ва ЎКА ўзанида – 14 (15,6%) ҳолатни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2- гуруҳда 76 (69,1%), 13 (11,8%) ва 18 (16,4%) ҳолатни мос равишда ташкил этди (барчаси $p>0,05$) Стеноз 100% ҳажмли беморлар 1чи гуруҳда ОПА ўзанида 5та (5,6%), АА ўзанида – 1та (0,9%) ва ЎКА ўзанида 4та (4,4%) ҳолатда; 2 гуруҳда – 11 (10,0%), 1 (0,91%) ва 6 (5,5%)та ҳолатда мос равишда учраши кузатилган (барчаси $p>0,05$).

Сурункали ЮИК мавжуд беморлар атеросклеротик зарарланишнинг ўртача узунлиги $30,33\pm 15,20$ ммни ташкил этди, буларга 109та имплант ўрнатилган, яъни 1 та беморга ўртача 1,21 имплант тўғри келган. ЮИК ўткир шаклларида атеросклеротик зарарланишнинг ўртача узунлиги $31,05\pm 14,73$ мм ($p>0,05$)ни ташкил этган, беморларга ўрнатилган имплантлар сони 144ни ташкил этиб, 1 та беморга ўрта ҳисобда 1,31 имплант тўғри келган. Атеросклеротик зарарланиш узунлиги ва стенотик торайиш диаметри ўртасидаги ўтказилган корреляцион таҳлил ЮИКнинг ўткир шаклида ҳам, сурункали шаклида ҳам ижобий боғлиқлик мавжудлигини аниқлаган (барчаси $p>0,05$).

**Юрак ишемик касаллигининг турли шаклларида беморларнинг
рентген-морфологик тавсифи**

КАГ-тавсифи		1 гурух СЮИК билан беморлар (n=90)	2 гурух ЎЮИК билан беморлар (n=110)	p	x²
ОПА	Стеноз %и	82,63±13,04	90,13±8,45	0,000	
	Стенозланган сегментлар сони	80	104		
	Беморлар сони	77 (85,6%)	91 (82,7%)	0,670	0,181
АА	Стеноз %и	71,95±20,56	86,50±10,28	0,021	
	Стенозланган сегментлар сони	18	15		
	Беморлар сони	15 (16,7%)	15 (13,6%)	0,691	0,158
ЎҚТ	Стеноз %и	84,60±11,44	75,00±20,53	0,364	
	Стенозланган сегментлар сони	5	8		
	Беморлар сони	5 (5,6%)	8 (7,3%)	0,840	0,041
ОрА	Стеноз %и	0	86,67±11,55		
	Стенозланган сегментлар сони	0	4		
	Беморлар сони	0	3 (2,7%)	0,217	1,002
ЎКА	Стеноз %и	83,84±15,89	79,12±16,42	0,309	
	Стенозланган сегментлар сони	25	39		
	Беморлар сони	20 (22,2%)	33 (30,0%)	0,281	1,164
ОҚТ	Стеноз %и	0	78,33±18,62		
	Стенозланган сегментлар сони	0	6		
	Беморлар сони	0	6 (5,5%)	0,067	3,360
ЧҚТ	Стеноз %и	60,0	95,0		
	Стенозланган сегментлар сони	1	1		
	Беморлар сони	1 (1,1%)	1 (0,91%)	0,568	0,326

Имплант турига боғлиқ равишда маълумотларни таҳлили учун беморлар иккита гуруҳга ажратилган: BVS-каркас импланти ўрнатилган 100 та бемордан иборат 1- гуруҳ ва DES-стенти ўрнатилган 100 та бемордан иборат 2- гуруҳ (2жадвал).

2 жадвал

Имплант турига боғлиқ равишда қиёсий рентген-морфологик тавсиф

КАГ-кўрсаткичлари	BVS (n=100)	DES (n=100)	p	χ^2
SYNTAX бўйича ўртача балл	9,66±4,84	9,57±4,96	0,897	
Томир зарарланишининг ўртача сони	1,38±0,61	1,39±0,71	0,915	
1та томир зарарланиши, n (%)	66 (66,0%)	70 (70,0%)	0,649	0,207
2та томир зарарланиши, n (%)	34 (34,0%)	30 (30,0%)		
Имплантларнинг ум.сони	129	124		
Битта беморга имплантларнинг ўртача сони	1,29	1,24		
Ўртача L зарарланиш, мм	31,49±16,59	30,05±13,28	0,499	
Ўртача d, мм	3,41±0,53	3,19±0,33	0,000	

Дастлабки босқичда беморлар гуруҳи антропометрик, клиник-лаборатор ва функционал параметрлари бўйича, шуниндек нозологик структура бўйича ҳам мос равишда бўлган. Ишлаб чиқарувчиларнинг тавсияларига кўра BVS-каркаслар кўпроқ ёшроқ беморларга ўрнатилиши кўзда тутилган бўлиб, бизнинг тадқиқотимизда ҳам беморлар ёшига бошидан аҳамият қаратилган. Шунинг учун ёш жиҳатидан гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқ мавжуд бўлган ($p < 0,001$). Коморбид ҳолатлар таҳлили 2чи гуруҳда СЮЕ ва ЎМИ бўйича сон жиҳатдан устунлик мавжудлигини аниқлади (барчаси $p < 0,05$). Ангиографик кўрсаткичларни баҳолаш натижасида кўрсаткичлар бўйича ҳеч қандай статистик аҳамиятга эга фарқ топилмаган, фақатгина BVS гуруҳида артерияларнинг ўртача диаметри юқорилиги аниқланган ($p < 0,001$). Таянч миқдорий коронар ангиография таҳлили ҳамма зарарланишлар учун қилинди. Муолажадан олдин ўртача стеноз 90,8 %ни ташкил этганда минимал ўтказиш бўшлиғи 0,35ммга тенг бўлди. Муолажадан сўнг бу кўрсаткич 3,1ммни ташкил этди ва натижада ўткир ўсиш 2,75ммни ташкил этди.

Иккала гуруҳ беморларида ангиографик муваффақият 100% ҳолларда кузатилган. Барча беморларда стенозланган коронар артерия сегментини реканализациясига эришилган. Диссекция, «no reflow» феномени, стентнинг ўзида ўткир тромбоз, коронар артерия перфорацияси ва бошқа кўринишдаги асоратлар кузатилмаган. Муолажа муваффақияти ҳам иккала солиштирилувчи гуруҳда 100%ни ташкил қилган.

1чи гуруҳнинг клиник муваффақияти 94,0% (94 та бемор)ни ташкил этиб, 6 тагина беморларда I-II ФС даражасида стенокардия хуружлари сақланиб қолган. 2чи гуруҳда клиник муваффақият 91,0% (91 та бемор) ҳолатда учраб, 9 та беморда I-II ФС даражасида стенокардия хуружлари сақланиб қолган. 1чи ва 2чи гуруҳларда ўлим ҳолати кузатилмаган. Умуман олганда, ТКАнинг бевосита клиник ва ангиографик натижаларининг таҳлили, имплантирланган мослама туридан қатъий назар, аҳамиятли ижобий натижа берганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг тўртинчи «**Юрак ишемик касаллигининг турли шаклларида даволашнинг госпитал босқичида клиник-функционал ва ангиографик хусусиятлари**» бобида ЮИК нинг турли шаклларида умумклиник, функционал, лаборатор ва ангиографик кўрсаткичларни миокард систолик функцияси, юрак ритми бузилишлари, шунингдек яллиғланиш маркерлари ва тромбоцитлар агрегацион хусусиятлари билан боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Чап қоринча миокардининг систолик функцияси ва ангиографик кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликни баҳолаш мақсадида ОФчқ $\leq 50\%$ (ўр.ОФчқ = $46,24 \pm 4,60\%$) ни ташкил қилган 45 та бемор ажратиб олинган. Назорат гуруҳида ҳам статистик таҳлилни мос тартибда ўтказиш мақсадида ОФчқ $>50\%$ (ўр.ОФчқ = $55,97 \pm 2,58\%$)ни ташкил қилган 45 та бемор ажратилган. Гуруҳлар антропометрик кўрсаткичлар бўйича мос, аммо ёш жиҳатдан 1чи гуруҳ 2чи гуруҳдан ёшроқлиги аниқланди ($p > 0,05$). Нозологик структураси бўйича 1чи гуруҳда ST-элевация билан миокард инфаркти, шунингдек анамнезида миокард инфарктини ўтказган беморлар жиҳатидан устунлик аниқланган. Лаборатор кўрсаткичларни баҳолаш натижасида 1 чи гуруҳда С реактив оксил фаоллигининг юқорилиги ($p < 0,05$), бир вақтнинг ўзида қонда липид спектрининг барча кўрсаткичларини пасайиши аниқланган. КАГ натижалари таҳлили 1чи гуруҳда битта томир зарарланиши 55,6% ва иккита томир зарарланиши – 44,4% беморларда кузатилганини кўрсатади. 2чи гуруҳда 64,4% беморларда битта томир ва 35,6% ҳолларда-иккита томир зарарланиши кузатилган. Томирлар зарарланишининг ўртача миқдори 1 чи гуруҳда $1,44 \pm 0,50$ ни ва 2гуруҳда $1,36 \pm 0,48$ ($p > 0,05$)ни ташкил этган. Тадқиқотнинг ушбу фрагментига киритилган барча беморларга ҳар хил турдаги 126 имплант, улардан 1гуруҳда – 23 та ва 2гуруҳда – 21та беморларга BVS каркас, 1-гуруҳда – 22та ва 2-гуруҳда – 24 та беморларга мос равишда DES имплант ўрнатилган. Томирлар зарарланиши сони ва ОФчқ кўрсаткичлари ўртасида

корреляцион таҳлил ўтказилганда тескари боғлиқлик мавжудлиги аниқланган ($p=0,277$; $t=-1,093$; $r=-0,015$).

Тадқиқотга киритилган 200 та беморлардан 105 (52,5%) тасига дастлаб суткалик ЭКГ холтер мониторинг ўтказилган (ЭКГХМ). Қоринчалар экстрасистолиясининг ангиографик характеристикасига таъсирини ўрганиш мақсадида дастлабки ЭКГХМда Лаун — Вольф — Райян бўйича турли градациядаги ҚЭси аниқланган 50 та бемор ажратиб олинган. Қиёсий таҳлилни ўтказиш учун 2 та гуруҳ шакллантирилган: 1чи гуруҳ – I-II градацияли ҚЭси бўлган 23та бемор ва 2чи гуруҳ – III-IVБ градацияли ҚЭси бўлган 27 та бемордан иборат. Назорат гуруҳини ЭКГХМда ҳеч қандай ритм бузилиши аниқланмаган 20 та бемор ташкил этган. ЭКГХМ таҳлили гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқларни аниқламади. Ўртача ЮҚС назорат гуруҳида $70,45 \pm 8,24$ зарб/минни ташкил этди, 1гр.да – $4,5$ зарб/мин кам ва 2гр. да – $1,4$ зарб/минга пастлиги аниқланди (барчаси $p > 0,05$). Циркад индекси назорат гуруҳида $1,12 \pm 0,09$ га тенг, бир вақтнинг ўзида 1чи ва 2чи гуруҳларда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан $0,01$ ва $0,02$ га пастлиги аниқланди (барчаси $p > 0,05$). Шунга қарамасдан, QT интервал назорат гуруҳига солиштирилганда юқорилиги аниқланди ва бу уларда ритм бузилишлари мавжудлигини тасдиқлайди, ундан ташқари ўртача QT даражаси бўйича 2чи гуруҳ беморларида ишончлиликлари мойиллик аниқланган ($p=0,073$), корригирланган QT кўрсаткичи бўйича 1чи гуруҳда статистик ишонарли фарқ аниқланган. Рентген-морфологик параметрларни баҳолаш юқори градацияли ҚЭси мавжуд беморлар ангиографик кўрсаткичлари салбий эканлиги аниқланди. Ушбу беморларда томир зарарланиши сонининг кўплиги, атеросклеротик зарарланиш узунлиги хажми, зарарланган сегментлар сонининг кўплиги аниқланди, бу эса ўз навбатида кўп миқдордаги мосламаларни имплантациясини талаб қилади (Зжадвал), аммо аниқланган фарқлар ишончлиликлари даражасига етмаган. ҚЭси миқдори ва зарарланган томир диаметри ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинганда, тескари боғлиқлик аниқланган ($p=0,438$; $t=-0,781$; $r=-0,113$), яъни зарарланган томир диаметри ошиши билан ҚЭси миқдори камайишини кўрсатади. Шунингдек ҚЭси градациялари ва тож артериялар стенози даражаси билан тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган ($p=0,027$; $t=0,278$; $r=0,48$, $p < 0,05$ мос равишда). Атеросклеротик зарарланиш узунлиги ва ҚЭси миқдори, оғирлик даражаси ўртасида ҳам тўғри боғлиқлик мавжудлиги аниқланган ($p=0,579$; $t=0,557$; $r=0,006$), ($p=0,487$; $t=0,700$; $r=0,101$).

**Қоринчалар экстрасистолиясини градациясига боғлиқ ҳолда
беморларнинг ангиографик тавсифи**

КАГ-кўрсаткичлари	Назорат гурухи (n=20)	1-гурух ҚЭ I-II градация б-н (n=23)	2- гурух ҚЭ III-IVБ градаций б-н (n=27)
Битта томир зарарланиши, n (%)	12 (60,0%)	16 (69,6%)	16 (59,3%)
Иккита томир зарарланиши, n (%)	8 (40,0%)	7 (30,4%)	11 (40,7%)
Томир зарарланишининг ўртача сони	1,40±0,50	1,26±0,54	1,41±0,50
Шикастланган артериялар ўртача калибр, mm	3,20±0,23	3,28±0,31	3,37±0,45
Стенотик шикастланиш ўртача узунлиги, mm	31,65±19,70	30,52±15,69	37,30±19,16
Шикастланган сегментлар сони	33	37	49
Имплант мосламалар сони	27	28	43
1 беморга ўртача имплант мосламалар сони	1,35	1,22	1,59
BVS ўрнатилган беморлар сони, n (%)	12 (60,0%)	11 (47,8%)	17 (62,9%)
DES ўрнатилган беморлар сони, n (%)	8 (40,0%)	12 (52,2%)	10 (37,1%)

